

▼ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР – АМАЛИЁТГА

ГЕОИНФОРМАТИКА – БАРҚАРОР ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Энг аввало, сўзимизни бугун жаҳон миқёсида кечаётган экологик ўзгаришлардан бошласак. Маълумки, жаҳон афкор оммаси аynи пайтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қурғоқчиликни бартараф этиш каби муаммолар устида бош қотирмоқда.

Олимлар геоахборот технологияларни қўллаш ёрдамида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, шу орқали муаммоларни ҳал этишда юқори самарали натижаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблашади. Бу жараёнда эса, табиийки, малакали, билимли кадрлар муҳим роль ўйнайди.

Аynи шу жиҳат ҳисобга олинган ҳолда Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришиш" – Tempus GE-UZ лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Географик маълумотлар аниқлаши керак бўлган деярли барча соҳаларда, жумладан, фуқаро муҳандислиги, қишлоқ ва шаҳарсозликда, йўллар ва темир йўллар қурилишида, атроф-муҳит ўзгаришини кузатишда, ер менежменти, қончилик, табиий ресурсларни бошқариш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Геоахборот тизимлари барқарор ривожланишда, муаммоларни ҳал этишда муҳим курул саналади, чунки у мутахассисларга маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини беради.

Лойиҳа доирасида институтда геоинформатика бўйича янги магистратура йўналишини очиш, малакали ходимлар таркибини яратиш, геоахборот тизимлари ва геодезия асбоб-ускуналари олиб келиш, лаборатория хоналарини ташкил этиш ҳам-

да тизимли таълим тармоғини яратиш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги кунда Tempus GE-UZ лойиҳаси кўмагида юртимиздаги ҳамкор олий ўқув юртлири – Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ давлат университетида янги ўқув дастурлари, замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш имкони яратилди.

Профессор-ўқитувчиларнинг ривожланган чет эл тажрибалари бўйича ўзаро малакаларини ошириш, янги педагогик технологияларни ўрганиш, замонавий техник асбоб-ускуналар билан танишиш ва улар билан ишлашни йўлга қўйиш мақсадида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, 2013 ва 2014 йилларнинг октябрь ва декабрь ойларида, 2014 йил сентябрь ва октябрь ойларида институт профессор-ўқитувчилари Фарбий Венгрия Университети (Венгрия) ва Зальцбург Университети (Австрия)даги ўқув-машғулотларида иштирок этиб, ўз малакаларини оширдилар.

Шунингдек, магистратура мутахассислиги учун тайёрланиши зарур бўлган ўқув адабиётлари бўйича "тақдимот"лар тайёрланиб, Европа университетларининг малакали профессорлари билан муҳокама қилинди. Геоинформатика соҳаси бўйича янги магистратура босқичи учун малака-



ли ўқитувчилар таркибини яратиш, ўқув қўлланмаларини аниқлаштириб, керакли материалларни тўплаш имкониятини яратди.

Жорий ўқув йилида Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Геоинформатика соҳаси бўйича магистратура таълим мутахассислиги очилди. Унга 3 нафар магистрант қабул қилинди. Қолган ҳамкор олий таълим муассасаларида эса ушбу масала кейинги ўқув йилларига режалаштирилмоқда.

Лойиҳа доирасида геоинформатика мутахассислиги бўйича очилган янги магистратура йўналиши учун геоахборот тизимининг илмий асослари яратилди, ўқув қўлланмалари янада бойитилди. Магистрантларнинг билим даражаларини баҳолаш ва мунтазам равишда мониторинг қилиш, таълим сифатини оши-

ришга доир кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Натижада мутахассислар билим ва кўникмаларини олий таълим муассасаларида таълим жараёнининг ривожланишига ҳамда атроф-муҳит, ер ва сув ресурсларини бошқаришга оид муаммоларни бартараф этиш мақсадида олиб бораётган илмий тадқиқотларида қўллаш имкони яратилди.

Сирасини айтганда, малакали кадрлар тайёрлаш орқали экологик муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилаётган ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Ўқтам УМУРЗОҚОВ,
Қосимжон РАҲМОНОВ,
Илҳомжон МУСАЕВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти ўқитувчилари.**

○ Эълонлар